

“O‘ZBEKISTON” DOS AJ
Кузатув кенгашининг 2023 йил
29 ноябрдаги йиғилиши қарори
билан **«ТАСДИҚЛАНГАН»**



**O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi
Tibbiyot bosh boshqarmasi "O'ZBEKISTON"
dam olish-sog'lomlashtirish aksiyadorlik jamiyati
УСТАВИ**

2023 йил

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (матн давомида – Қонун) ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

2. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (06.05.2014й. ЎРҚ-370-сон) ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб боради.

3. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

Ўзбек тилида: – O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Tibbiyot bosh boshqarmasi "O'ZBEKISTON" dam olish-sog'lomlashtirish aksiyadorlik jamiyati (матн давомида – Жамият деб юритилади).

Рус тилида: – Курортно-оздоровительное акционерное общество "Узбекистон" Главного медицинского управления при Администрации Президента Республики Узбекистан (далее по тексту-Общество).

4. Жамиятнинг қисқартирилган номи:

Ўзбек тилида: – «O'ZBEKISTON» DOSAJ

Рус тилида: – КО АО «Узбекистон».

5. Жамиятнинг жойлашган ери (почта манзили): 100047, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Содиқ Азимов кўчаси 63- уй.

6. Жамиятнинг электрон почта манзили: uzbekiston.ao@mail.ru

7. Жамият Ўзбекистон Республикаси Президенти қошида Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 16 октябрдаги 477-сонли қарори асосида ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш кўмитасининг 1993 йил 28 майдаги 265-К-по-сонли «Ўзбекистон Республикаси санаторийлари негизида «Ўзбекистон» акциядорлик жамиятини тузиш тўғрисида»ги буйруғига асосан Ўзбекистон Республикасининг санаторийлари базасида акциядорлик жамияти шаклида тузилган.

8. Жамият юридик шахс, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг резиденти ҳисобланади ва ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасида амалдаги қонунчиликка, ушбу Уставга асосан амалга оширади.

9. Жамият филиаллар ташкил этишга ва ваколатхоналар очишга ҳақлидир.

10. Жамият куйидаги филиаллар ва муассасаларга эга:

- "O'ZBEKISTON" DOSAJнинг филиали, Кисловодск шаҳридаги «Ўзбекистон» санаторияси, юридик манзил: 357700, Россия Федерацияси, Ставрополь ўлкаси, Кисловодск шаҳри, Мир шоҳ кўчаси, 21 уй;

- «Ўзбекистон» санаторияси шўъба корхона хусусий муассасаси, юридик манзил: 98622, Россия Федерацияси, Қрим Республикаси, Ялта шаҳри, Виноградное шаҳар типдаги посёлкаси, Бахчисарой шоссеси, 1 уй.

11. Филиаллар ушбу Устав ва жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган филиал низоми асосида иш юритади.

Муассаса жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган устав асосида иш юритади.

12. Муассасанинг, филиалнинг ёки ваколатхонанинг раҳбари жамият ижроия органи томонидан тайинланади ва жамият томонидан берилган ишончнома асосида иш юритади.

13. Жамиятнинг юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган шўъба ва қарам жамиятлари бўлиши мумкин. Жамият ва шўъба ҳамда қарам жамиятлар ўртасидаги

муносабатлар амалдаги қонунлар ва мазкур Устав билан тартибга солинади. Шўъба жамиятларнинг бутун фаолияти ушбу Устав ҳамда жамиятнинг шўъба корхоналарнинг уставларига асосан юритилади.

14. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинadиган алоҳида мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

15. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисобварақлари очишга ҳақлидир.

16. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга.

17. Жамият штампларга, номи ёзилган бланкларга ва ўзининг товар ва хизмат кўрсатиш белгисига эга бўлиши мумкин.

II. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

18. Жамият тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади қуйидагилардир:

Ўзбекистон Республикаси ташқарисида, яккаю-ягона бальнеологик ва экологик зоналарда жойлашган санаторияларини замонавий даволаш ва соғлиқни тиклаш марказларига айлантириш;

Санаторияларда табиий усулларини йулга қўйиб, юрак-контомир, асаб ва нафас олиш системалари, ошқозон, буйрак ва жигар касалликларини даволашга мухтож бўлган Ўзбекистон фуқароларини замонавий услублар асосида даволанишини ташкил этиш;

Хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, тиббий ва техник ходимлар малакасини ошириш, даволашнинг замонавий усулларини қўллаш, МДХ давлатлари ва хорижий давлатлар тажрибасидан фойдаланган холда санаторийлар рақобатбардошлигини ошириш;

Кўрсатилаётган хизматлар ва туризм соҳасида чет эл давлатлари билан алоқаларни ривожлантириш;

Акционерлар ва меҳнат жамоасининг моддий ва ижтимоий эҳтиёжларини қаноатлантириш;

Ўзбекистоннинг маҳаллий ҳокимият органларида, муассасалар, филиаллар жойлашган хорижий давлатларда ўз ташкилотларининг манфаатларини ҳимоя қилиш;

19. Жамиятнинг асосий фаолият турлари:

Жамиятнинг санаторийларида хўжалик ҳисоби асосида, Ўзбекистон ва МДХ фуқораларининг касалликларини олдини олиш, даволаш ва тикланишини ташкил этиш;

Ўзбекистон ва МДХ фуқороларига чет эл санаторияларига даволанишга путевкаларни сотиб олишга ёрдам кўрсатиш;

Санаторийларга медицина ускуналари, дори воситалари, бошқа ускуналарни олишда ёрдам кўрсатиш;

Филиалларга тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва уларни ўқитишда амалий ёрдам кўрсатиш;

Қонунчиликда белгиланган тартибда кўчмас мулк билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш;

Транспорт хизматлари, шу жумладан пассажирларни ташиш, чартер рейсларини амалга ошириш;

Ташқи иқтисодий фаолият билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шуғулланиши мумкин.

Туристик хизматлар кўрсатиш.

Жамият мазкур уставда кўрсатилмаган қонунчилик билан таъқиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиши мумкин.

Экспорт ва импорт фаолиятини амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикасида ва хорижий давлатларда, қонунчиликда белгиланган тартибда, қурилиш-монтаж ва пудрат ишларини амалга ошириш ҳамда буюртма бериш.

Лицензияни талаб қиладиган фаолият турлари тегишли лицензия (рухсатнома) олингандан сўнг амалга оширилади.

20. Жамиятга тақиқланади:

- асосий фаолиятига хос бўлмаган янги кўчмас мулк объектларини сотиб олиш ёки қуриш;

- рақобат ривожланган соҳада асосий фаолиятидан ташқари кўшимча фаолият билан шуғулланиш;

- асосий фаолиятига хос бўлмаган хўжалик жамиятлари устав капиталида иштирок этиш ёки ундаги улушни сотиб олиш.

- Бунда, давлат иштирокидаги корхоналар томонидан асосий фаолиятига хос бўлган янги кўчмас мулк объектларини сотиб олиш ёки қуриш ҳамда хўжалик жамиятлари устав капиталидаги улушни сотиб олиш, шунингдек, асосий фаолиятидан ташқари кўшимча фаолият билан шуғулланиш кузатув кенгаши қарорига асосан амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

III. ЖАМИЯТ УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ МИҚДОРИ

21. Жамиятнинг устав капитали акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида акс эттирилади.

22. Жамият Устав капиталининг миқдори 197 484 683 292 (бир юз тўқсон етти миллиард тўрт юз саксон тўрт миллион олти юз саксон уч минг икки юз тўқсон икки) сўмни ташкил қиладиган ҳамда номинал қиймати 3 378 (уч минг уч юз етмиш саккиз) сўм бўлган 58 462 014 (эллик саккиз миллион тўрт юз олти икки минг ўн тўрт) дона оддий акцияларга бўлинган.

Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш

23. Жамиятнинг устав капитали кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

24. Кўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

25. Жамият жойлаштирган акцияларга кўшимча равишда номинал қиймати 3 378 сўм бўлган 3 741 552 дона оддий эълон қилинган акциялардан иборат.

26. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштирилдиган

қўшимча оддий акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак.

27. Қўшимча чиқарилаётган акциялар очик ва ёпик обуна усуллари билан жойлаштирилади.

28. Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

29. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.

30. Имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисидаги қарор, шунингдек бундай қарорнинг амал қилиш муддати ҳақидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акциялар эгаларининг кўпчилик овози билан қабул қилиниши мумкин. Бундай қарорнинг амал қилиш муддати ушбу қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан бир йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

31. Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган шахсларнинг рўйхати қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

32. Қўшимча чиқарилган акциялар бозор қийматида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган қийматда жойлаштирилади.

33. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан, акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

34. Жамиятнинг устав капитални кўпайтирилаётганда жамиятнинг қўшимча акцияларига унинг ўз капитални ҳисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш жамият акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

Жамиятнинг устав капитални камайтириш

35. Жамиятнинг устав капитални акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан камайтирилиши мумкин.

36. Агар устав капитални камайтириш натижасида унинг миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, Жамият устав капитални камайтиришга ҳақли эмас.

37. Устав капитални камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав капитални камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

IV. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ

38. Жамиятнинг акциялари оддий акциялар ҳисобланади ва ҳужжатсиз шаклда ҳисоби юритилади. Акцияларга эгалик ҳуқуқи депо-ҳисоб варағидан кўчирма

билан тасдиқланади.

39. Жамият томонидан оддий акцияларни олиш нархи уларнинг бозор қийматиға мувофиқ белгиланади.

40. Дивидендлар жамиятнинг жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

41. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

42. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

43. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

44. Жамият бир йилда бир марта йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлайди, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

45. Оддий акциялар бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

46. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

V. ЖАМИЯТНИНГ ФОНДЛАРИ

47. Жамият соф фойда ҳисобидан захира фондини ҳамда жамиятни ривожлантириш фондини ҳам ташкил этиши мумкин.

48. Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

49. Жамиятни ривожлантириш фонди маблағлари Жамиятнинг Ялта ва Кисловодск шаҳарларидаги санаторийларини таъмирлаш учун ишлатилади.

50. Жамият устав капиталининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда захира фонди тузилади.

51. Захира фондига белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5 фоиз миқдорида ажратмалар ўтказилади.

52. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, соф фойдадан мажбурий ажратмалардан тикланади.

VI. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ

53. Жамият бошқарув органлари:

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши
- Кузатув кенгаши
- Ижроия органи (Бош директор).

VII. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

54. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

55. Жамият ҳар йили акциядорларнинг йиллик (навбатдаги) умумий йиғилишини ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши йил тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Жамият акциядорларининг навбатдаги (йиллик) умумий йиғилиши ҳар йили одатда 30 июнда ўтказилади.

55. Жамиятнинг бир фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари акциядорлар умумий йиғилиши кун тартиби, фойдани тақсимлаш, бошқарув ва назорат органи аъзолигига уларнинг номзодини (умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар алмаштириш имконияти билан) кўрсатиш юзасидан таклиф киритиш ҳуқуқига эга. Бундай таклифлар молия йили тугаганидан кейин 90 кундан кечиктирмай тақдим этилиши лозим.

57. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида қуйидаги масалалар кўрилади:

- кузатув кенгашини сайлаш;
- Жамиятнинг ижроия органи раҳбари билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш;
- Жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва бизнес-режаси ижроси бўйича ҳисобот;
- Кузатув кенгаши ва Ижроия органининг Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари;
- фойда ва зарарларини тақсимлаш;
- жамият кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини эшитиш.

Йиғилишда бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

58. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

59. Акциядорларнинг умумий йиғилишини кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

60. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш;
- жамиятни қайта ташкил этиш;
- жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

- устав капиталини камайтириш;
- жамиятнинг жойлаштирилган акцияларини сотиб олиш;
- жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, Жамиятнинг ижроия органи раҳбарини сайлаш (тайинлаш);
- жамиятнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;
- жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;
- жамият кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва хулосаларини эшитиш;
- имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунинг 35 моддасида ва мазкур уставда назарда тутилган қарорлар қабул қилиш;
- акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунинг 8 – бобига асосан баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортигини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;
- Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунинг 9 – бобига асосан Жамиятнинг аффилиланган шахси билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва хабарни ошкор қилиш шаклини тасдиқлаш;
- Жамиятнинг бошқарув органлари тўғрисидаги, шу жумладан ички назорат, дивиденд сиёсати тўғрисидаги, манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низомларини тасдиқлаш;
- ҳар йили мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг Жамиятнинг ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни белгилаш;
- ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш, уларни амалга ошириш ваколатини кузатув кенгашига бериш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йиғилишни видеоконференц-алоқа тарзида ўтказиш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

- санок комиссиясига амалий кўмак кўрсатиш ёки унинг функциясини бажариш учун мустақил экспертларни жалб этиш (масалан, инвестиция маслаҳатчиси ёки қимматли қоғозлар бозорининг бошқа профессионал иштирокчиси) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

- Жамият маблағлари ҳисобидан миноритар акциядорлик кўмитасини сақлаш харажатини қоплаш (миноритар акциядорлик кўмитаси тузилган тақдирда) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

- акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот берувчи Жамият бошқарув ва назорат органлари маърузалари (ҳисоботлари) шакли ва мазмунига бўлган талабларни, акциядорлар умумий йиғилиши давомийлигини белгилаш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

61. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади.

62. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда Жамият корпоратив веб-сайтида ва Корпоратив ахборот ягона порталида жойлаштирилди. Агар Жамият акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари фонд биржасининг котировка варағига киритилган бўлса, мазкур қарорлар биржанинг веб-сайтида ҳам жойлаштирилади.

63. Акциядорлар, шу жумладан, миноритар акциядорлар овоз беришда биргаликдаги позициясини шакллантириш учун акциядорлик битимини тузиши мумкин.

64. Жамиятнинг миноритар акциядорлари ҳужжатларни асосиз равишда талаб қилиш ва махфий ахборотлар, тижорат сирларини кўллаш йўли билан Жамият бошқарув органи фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги лозим.

65. Жамият Акциядорлар умумий йиғилиши Жамиятнинг «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида»ги Низом асосида чақирилади ва ўтказилади.

VIII. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

66. Жамият кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

67. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йиллик муддатга сайланадилар. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони 7 кишидан иборат.

68. Корпоратив бошқарув кодексида акс эттирилган мустақил аъзо мезонларига мувофиқ бўлган кузатув кенгашининг камида бир нафар (аммо уставда кўзда тутилган кузатув кенгаши аъзолари сонининг 15 фоизидан кам бўлмаган) аъзоси –йирик акциядорлар томонидан келишилган ҳолда тавсия этилади ва сайланади.

69. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- жамиятнинг бизнес-режаси кўрсаткичлари бажарилиши, шунингдек, ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, Қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш, ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш ва иштирок этиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

- Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

- жамиятнинг ижроия органи аъзоларини (раисдан ташқари) сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсациялар миқдорларини белгилаш, шунингдек, кўрсатилган тўловларнинг чегараси миқдорини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015 йилдаги 207 – сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори билан белгиланган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларига боғлаган ҳолда белгилаш;

- корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

- жамиятнинг йиллик бизнес-режасини жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай тасдиқлаш;

- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чорақда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

- жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

- аудиторлик текширувини, шу жумладан халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича қарор қабул қилиш;

- аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

- захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

- филиалларни ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

- шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш (улар акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамияти шаклларида тузилади);

- Қонунда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва Жамият аффилиланган шахслари билан (манфаатдорлик) битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

- корпоратив облигациялар, шу жумладан, акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

- акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- хомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тўғрисида қарорларни фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган тартиб ва шартлар асосида, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган доирада, бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда қабул қилиш;

- кузатув кенгаши қошида кузатув кенгаши, ижроия органлари аъзолари, Жамият ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш ва бошқа масалалар бўйича қўмиталар (ишчи гуруҳлари) ташкил этиш;

- Мулкни бегоналаштириш, уни сотиш шакли ва механизмини, Жамият ва уларнинг таркибидаги корхоналар устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувларни (битим, шартнома, меморандум ва бошқалар) мажбурий тарзда ушбу корхоналар кузатув кенгаши билан келишилгандан кейин тузиш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

70. Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тарихда олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

71. Кузатув кенгашининг раиси кенгаш аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан кўпчилик овоз билан сайланади. Кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

72. Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома

юритилишини ташкил этади, бошқарув аъзолари билан меҳнат шартномасини имзолайди.

73. Кузатув кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини кенгаш аъзоларидан бири амалга оширади.

74. Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чорақда камида бир марта чақирилади ва ўтказилади.

75. Жамиятнинг 1 фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари кузатув кенгаши мажлисини чақиришни талаб қилиш ва кун тартиби юзасидан таклиф киритиш ҳуқуқига эга.

76. Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар қонунчиликда бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кенгашнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кенгашнинг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас. Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, кенгаш раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

66. Мажлисда кузатув кенгаши аъзолари видео ва аудио ускуналари орқали конференция алоқаси бўйича иштирок этиши мумкин, бунда уларнинг овозлари қарор қабул қилиш учун сиртдан берилган деб ҳисобланмайди.

67. Кузатув кенгаши ва унинг раиси ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим. Улар қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Жамият ва унинг акциядорлари олдида жавобгардир.

68. Кузатув кенгаши мазкур Устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги низом асосида иш олиб боради.

69. Кузатув кенгаши аъзоларидан иборат Стратегия ва инвестициялар, Аудит, Тайинловлар ва ҳақ тўлаш, Коррупцияга қарши курашиш ва этика кўмиталари ташкил этилиши мумкин.

70. Ҳар чорақда ижро органининг ҳисоботини эшитиш бўйича кузатув кенгашининг мажлисларини сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) ўтказишга йўл қўйилмайди.

ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

71. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик Бош директор томонидан амалга оширилади. Бошқарув ваколатига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

72. Бош директор Жамиятнинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият Устави, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

73. Бош директор Қонун ва мазкур Уставга мувофиқ акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорлари бажарилишини ташкил этади ва уларга ҳисобот беради.

74. Бош директор акциядорлар умумий йиғилиши ёки кузатув кенгаши томонидан уч йил муддатга сайланади (тайинланади). У билан меҳнат шартномани Жамият номидан кузатув кенгаши раиси имзолайди.

75. Жамиятда ижро органи раҳбари сифатида тайинланган (қайта тайинланган) шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ ижро органи раҳбари бўлиши мумкин эмас.

76. Бош директор тайинлаш тўғрисидаги қарор, одатда, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади.

77. Акциядорлар вакили сифатида иштирок этаётган ижроия органи аъзолари ижроия органига аъзолар сайлаш масаласида овоз беришда иштирок этмайди.

78. Бош директор ва аъзоларига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсациялар миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015 йилдаги 207 – сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори билан белгиланган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларига боғлаган ҳолда белгиланади.

79. Бош директор ваколатига қуйидагилар киради:

- Жамият тузилмалари раҳбарларини тайинлаш (филиал ва ваколатхоналари раҳбарларидан ташқари);
- ишчи ва ходимларга иш ҳақи ва мукофотлар миқдорини белгилаш;
- ходимлар мансаб йўриқномаларини тасдиқлаш;
- Жамият тузилмалари раҳбарлари ҳисоботларини ҳар чорак якуни бўйича эшитиш;
- мазкур Устав ва кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;
- Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;
- Жамият номидан битимлар тузиш, жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;
- кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;
- Жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;
- ходимлар штатларини тасдиқлаш, ходимларни (ишчиларни) ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;
- Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;
- Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;
- ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;
- акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорларининг

бажарилишини ташкил этиш;

- Жамиятда бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиш, шу жумладан эълон қилиш мақсадида Молиявий ҳисоботлар халқаро стандартларига трансформациясини таъминлаш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамият фаолиятига доир маълумотларни ошкор қилиш;

- йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

- Жамият архиви ишини ташкил этиш ва ундаги ҳужжатлар бутлигини таъминлаш;

- амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш;

80. Бош директор ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим. Улар қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Жамият ва унинг акциядорлари олдида жавобгардир.

81. Бош директор мазкур Устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Ижроия органи тўғрисида»ги низом асосида иш олиб боради.

ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

82. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш акциядорлар умумий йиғилишининг, кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки Жамият устав фондининг камида 5 фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

83. Жамият активларининг баланс қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг юз минг баробарини ташкил этса ва (ёки) ошса Жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдор бўлади.

84. Жамиятнинг ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

85. Ички аудит хизмати жамиятдаги ички назоратни, шу жумладан, 50 фоиздан зиёд улуши Жамиятга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган

операциялар устидан назоратни амалга оширади.

86. Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

87. Жамиятда кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган ва корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи жамият корпоратив маслаҳатчиси лавозими жорий этилади.

88. Жамият корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.

89. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

90. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади.

91. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

92. Мазкур Устав ва унинг киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

Бош директор в.б.

Бош бухгалтер



О.Э. Усанов

Д.Р. Фахретдинова